O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI

FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI



FILOLOGIYANING DOLZARB MUAMMOLARI VA UNING INNOVATSION YECHIMLARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ANJUMAN MATERIALLARI TO‘PLAMI

2022-YIL 12-DEKABR

OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
FARG‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI



O‘zbekiston Qahramoni, Qoraqalpog‘iston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan san’at arbobi IBROYIM YUSUPOV ijodiy faoliyatiga bag‘ishlangan

“FILOLOGIYANING DOLZARB MUAMMOLARI VA UNING INNOVATSION YECHIMLARI”

MAVZUSIDAGI XALQARO ANJUMAN MATERIALLARI TO‘PLAMI

2022-YIL 12-dekabr

“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ И ЕГО ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ” СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

12 декабр 2022 ГОДА

“ISSUES OF PHILOLOGICAL EDUCATION: PROBLEM ISSUES AND THEIR INNOVATIVE SOLUTIONS” COLLECTION OF MATERIALS OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE

desember 12, 2022

FERGANA 2022

19. Zaylobiddinovna, R. G. (2022). CREATING AN INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *IJODKOR O'QITUVCHI*, *2*(19), 274-277.

20. Zaylobidinovna, R. G. (2022). COMPARATIVE ANALYSIS OF ADJECTIVES IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities*, *5*, 66-70.

21. Rozikova, G. Z. (2019). SEMANTIC FEATURES OF LEXEMES BELONG TO THE GROUP OF NAMES OF PERSON APPLIED IN “DEVONU LUGOTIT TURK”. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(12), 136-141.

22. Gulbakhor, R. (2020). Expression of temporality and locality through noun lexemes in Mahmud Kashgari's “devon”. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1648-1653.

23. Roziqova, G. (2020, December). MAHMUD KASHGARI'S" DEVONU LUG‘OTIT TURK" NAMES OF HOUSEHOLD ITEMS USED IN THE WORK EXPRESSIVE SYNONYM LEXEMAS. In Конференции.

МАТН НАЗАРИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Исмаилова Сайёра Толкиновна
“Central Asian Medical University” тиббиёт университети халқаро бўлим бошлиғи

Аннотация

Мақолада матннинг линвгистик мақомини белгиланиши, матн борасидаги илмий-назарий қарашларнинг шаклланиш босқичлари тадқиқ этилган. Шунингдек, матн назариясини шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье рассматривается определение языкового статуса текста, этапы формирования научно-теоретических взглядов на текст. Также показаны особенности этапов становления и развития теории текста.

Annotation

The article discusses the definition of the language status of the text, the stages of formation of scientific and theoretical views on the text. The features of the stages of formation and development of the text theory are also shown.

Калит сўзлар: *матн, матн лингвистикаси, матнинг таркибий қисми, матн структураси, мураккаб синтактик бутунлик, матн бирликлари.*

Ключевые слова: *текст, лингвистика текста, компонент текста, структура текста, сложная синтаксическая целостность, единицы текста.*

Keywords: *text, text linguistics, text component, text structure, complex syntactic integrity, text units.*

Матнни илмий назарий жиҳатдан ўрганиш тилшуносликда алоҳида мустақил йўналиш сифатида шаклланди. Чунки фақат матндагина тилнинг

турли сатҳ бирликларини яхлит ҳолда тадқиқ қилиш имконияти мавжуд. Унда тил системаси тўла намоён бўлади. Матнда тилнинг турли сатҳ бирликларининг вазифалари, уларнинг ўзоро муносабати, семантик имконияти аниқ кўринади. Шунинг учун замонавий тилшуносликда матн ва унинг семантик, синтактик, коммуникатив структураси билан боғлиқ кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу муаммо кўплам олимларнинг эътиборини тортгани учун эндиликда унинг семантик, синтактик, коммуникатив жиҳатларигина эмас, балки матннинг психолингвистик, социолингвистик, когнитив муаммолари ҳам тадқиқот майдонига кириб келди. Шунга қарамай матн назариясининг юзага келиш ва ривожланиши борасида хилма-хил қарашлар илгари сурилмоқда, жумладан, мавжуд адабиётларда матн назарияси билан боғлиқ тадқиқотларни 20-асрни 40-йиллари охирида [1,4], айрим адабиётларда эса шу асрни иккинчи яримида юзага келганилиги [2] таъкидланади. Бироқ ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаги, Матн борасидаги илмий-назарий қарашлар дастлаб ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келган [3.468-475].

Матн борасидаги олиб борилган тадқиқотларнинг юзага келиши ва ривожланиш босқичларини тўртга бўлиш мумкин:

1. Матнга амалий жиҳатдан ёндашув.
2. Матнни лингвистик тадқиқот объекти сифатида белгиланиши.
3. Матннинг структур-семантик жиҳатларини белгилаш.
4. Матнни илмий-назарий планда тадқиқ қилиш.

Биринчи босқичда матнга амалий жиҳатдан ёндашилган бўлиб, қадимги ҳинд тилшунослари эрамиздан 15 аср илгари Ведаларни ўрганар экан “текстларни диққат билан фонетик ва морфологик жиҳатдан анализ қилганлар” [4.10]. Матнинг таркибий қисмини таҳлил қилиш орқали унинг ўзгариб кетган қисмларини қайта тиклаганлар. Гарчи бу тадқиқотлар матншунослик ҳарактерида бўлса ҳам, матнга яхлит бирлик сифатида ёндашиш сифатида аҳамиятга эга бўлган. Матнга текстологик нуқтаи назаридан ёндашиш тил сатҳининг матндан кичик бирликларини таҳлил қилиш учун йўл очди.

Қадимги грекцияда тилшунослик “энг қадимги классик адабиётни ўрганиш билан боғлиқ равишда филологик (текстологик) ишларнинг узвий қисми сифатида ҳам ривож топди. Қадимги Грекцияда ҳам қадимги Ҳиндистондаги каби текстларни анализ қилиб, уларга изоҳ бериш эҳтиёжи” туфайли тилшунослик юзага келди. Бу даврларда матнни ўрганишга илмий-назарий жиҳатдан ёндашилмаган бўлса ҳам, унинг таркибий қисмлари ажратилди. Яҳлит нутқ махсулининг қисмлари ажратилди.

Матнни ўрганишнинг иккинчи босқичини ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошланган десак, тўғри бўлади. Бу даврда матнга лингвистик тадқиқот объекти сифатида ёндашилди. Дастлаб, 20-асрнинг 30-йилларида рус тилшунослигида И.А.Фигуровский мураккаб синтактик бутунликни матннинг компоненти сифатида кўрсатиб, уни ўзига хос тузилишга эга бўлган грамматик жиҳатдан шаклланган, уюшган гапларнинг ёпиқ гуруҳи, яхлит нутқ сифатида кўрсатди [3.471]. Шунинг учун мавжуд адабиётларда матнни

биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган олимлар сифатида И.А.Фигуровский ва Н.Поспелов кўрсатилади ҳамда уларнинг матнни биринчи бўлиб лингивистик мақомини белгилаб берганлиги эътироф этилади. [5.138].

Дастлаб, матнга мураккаб синтактик бутунлик сифатида ёндашилади. Чунки ўз даврида гап синтаксиснинг энг юқори бирлиги сифатида тан олинган, гапнинг содда, қўшма, мураккаб турлари ажратилган эди. Бироқ кузатишлар натижасида гап синтаксиснинг энг катта бирлиги бўла олмаслиги маълум бўлди. Илмий-назарий кузатишлар туфайли тил бирликларининг функциал-лашуви гап доирасида ўзининг тўла ечимини топмаслиги аниқланди. Айрим тил бирликларининг семантик структураси бир неча мустақил гаплар қуршовида аниқ бўлиши сезилиб қолди. Гап тил бирликлари тадқиқи учун кичик контекст сифатида танланди. Гап доирасида фонетик, морфемик бирликлар тадқиқи самарали бўлса, сўз, ибора, сўз бирикмаси, жумлалар тадқиқи учун гап контекст сифатида торлик қилиб қолди. Гапнинг интонацион белгиларини аниқлаш, унинг мазмуний структурасини белгилаш учун ҳам гапдан юқори бирликларга мурожаат қилиш эҳтиёжи юзага келди. Дастлаб, ана шундай гапдан юқори бирлик сифатида мураккаб синтактиб бутунликка мурожаат қилинди ва “мураккаб синтактик бутунлик мураккаб қўшма гаплардан фарқланувчи ўзига хос структур-семантик ва функционал белгиларга эга бўлган мустақил синтактик бирлик” сифатида ажратилди [6.]

Ўтган асрнинг 40-йилларининг охирига келиб мураккаб синтактик бутунлик тадқиқига рус тилшунослигидан ташқари Ғарбий Европа, аниқроғи, немис тилшунослигида ҳам эътибор қаратилди. Немис тилшуноси К.Боост гапларо мураккаб грамматик алоқа борлигини, бу алоқа лексик-семантик такрорлар, феъл замонлари, олмошлар, артикллар, шартли қисқартмалар орқали амалга ошиши, бу грамматик алоқани юзага чиқишида бир мазмуний яхлитлик алоҳида рол ўйнашини кўрсатиб берди. Бир неча гаплар мазмуний яхлитликни ташкил этар экан, улар бир мавзу доирасида шаклланишини аослади [7.].

Матн лингвистикасини ривожланишнинг учинчи босқичи ўтган асрнинг 50-йилларнинг иккинчи ярми 60-йиллардан бошланди. Бу даврга келиб матн лингвистик тадқиқот объекти сифатида тан олинди. Навбатдаги муаммо сифатида матннинг структур-семантик жиҳатларини белгилаш тадқиқотчилар эътиборини тортди. Бунда матннинг ички тузилиши, семантик структураси, матнда гапларнинг ўзоро боғланиши ва унинг матн шаклланишидаги ўрни, матннинг интонацион структураси, матн бирликлари кабилар тадқиқ этилди [8]. Матннинг структур-семантик жиҳатлари белгиланар экан, асосий этибор гап синтаксиси билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Бунда гапларнинг ўзаро боғланиши, уларнинг матн тузилишидаги ўрни муаммоси, жумлалар ва абзацларнинг матн структурасида тутган ўрни кабилар тадқиқ этилди ва шулар асосида матн бирликлари аниқланди. Шунингдек матннинг шаклланишининг мантиқий-руҳий асослари ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмади [9].

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб матн том маънода илмий-назарий планда тадқиқ этила бошланди. Чунки унга қадар бўлган тадқиқотлар асосан матн билан боғлиқ бўлса ҳам, ҳали матннинг лингвистик мақоми тўла

белгиланмаган эди. Чунки олиб борилган тадқиқотларда матн ўзи нима деган савол тўла-тўкис ўз жавобини олмаган эди. Бу даврга келиб матн назарияси тўла шаклланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Москальская О.И. Грамматика тексата: Учеб. Пособие. –М.: Высш. Школа, 1981, с. 4.
2. Лингвистический энциклопедисеский словар/Гл. ред. В.Н. Ярцева, –М.: Сов. Энциклопедия, 1990, с.508.; Новое в зарубежное лингвистике, вып. VII // Лингвистика текста, –М.: “Прогресс”, 1978, с. 5.; Галперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования, –М.: “Наука”, 1981, с. 8.; Новиков А.И. Семантика текста и ее формализация, –М.: –М.: “Наука”, 1983, с. 7-18. Мамажонов А. Текст лингвистикаси, –Тошкент, 1989, 4-5 бетлар.
3. Фигуровская Г.Д., Фигуровский В.И. Научно-педагогическая деятельность профессора И.А. Фигуровского (к юбилею ученого)// Педагогический журнал. 2019. Т. 9. № 5А. Ч. I. С. 468-475.
4. Усмонов С. Умумий тилшунослик. Педагогика ин-тилларининг филология фак. учун дарслик. –Тошкент, 1972, 10-бет.
5. Фигуровский И.А. От синтаксиса отдельного предложения к синтаксису целого текста. “Русский язқк в школе”, 1948, №3; Науковий вісник Міжнародного гуманітарного університету. Сер.: філологія. 2016 № 24 том 1, С.138.
6. Поспелов, Н.С., (1948), Проблема сложного синтаксического целого в современном русском языке. «Ученые записки», вып. 137.
7. Boost K. Der deutsche Satz. Die Ssatzverflechtung. “Deutschunterricht”, 1949.
8. Лескисс Г.А. О зависимости между размером предложения и его структурой в разных видах текста. «Вопросы языкознания», 1964, № 3; Подучева Е.В. Структура абзаца. «Труды по знаковым системам», вып. 2. Тарту, 1965; Кандинский Б.С. Целый текст как интонационная структура. «Ученые записки МГПИИЯ», Т.42. М., 1968; Лосева Л.М. Межфразовая связь в текстах монологической речи. АДД. Оддеса, 1969.
9. Каплан Л.И. Психологические анализ сонимания научного текста. «Ученные записки Магнитогорского пединститута», вып. 4. Магнитагорск, 1957; Доблаев О.П. Логико-психологический анализ текста. Саратов, 1969; Дорофеев В.Г., Мартемьянов Ю.С Логический вывод и выявление связей между предложениями в тексте. В кн: «Машинный перевод и прикладная лингвистика», вып. 12, М., 1969.

МУРОЖААТ ШАКЛИДАГИ АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жумаева Дилноза Бахшуллоевна,
Навоий давлат педагогика институти Мактабгача ва бошланғич таълим факультети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

B. Абдурахмонов	Альтернатив сўроқ гапларда зидлаш муносабати	535
N.Umarova, M.Abduolimova	O‘XSHATISH KONSTRUKSIYALARINING O‘RGANILISH TARIXI	539
A.Shodiyeva	RASMIY NUTQNING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI	545
Q.Mo‘ydinov, S.Ismoilova	O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIDA YURIDIK TERMINLAR TALQINI	549
Sh.Kaxarova, D.Qodirjonova, H.Rahmonova, G.Husanboyeva	AUTHENTIC TEXT ON HOME READING AS A MEANINGFUL BASIS FOR THE INFORMATION OF PROFESSIONAL LEXICAL COMPETENCE OF FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS	553
X.Sotvaldiyeva, H.Холбекова	Poetik matnlarda metatildan foydalanish va metatilning she’r mazmunini ochib berishdagi o‘rni	556
H.Ахмаджонов	ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ТЎҒРИСИДА	558
N.Quldashev, M.Qoraboyeva	BAG‘DOD TUMANI SHEVASIGA XOS KIYIM-KECHAK LEKSIKASI	562
N.Muratova, R.Baxtiyorova	Asardagi tarixiy so‘zlarning izohi (“Ulug‘bek xazinasi” romani misolida)	565
S.Aliyeva	Uzbek holidays with the meaning of “Flower”	567
C.Исмаилова	МАТН НАЗАРИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	573
Д.Жумаева	МУРОЖААТ ШАКЛИДАГИ АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	576
Г.Икромова	ШАРОФ БОШБЕКОВ ДРАМАЛАРИДА ИНДИВИДУАЛ НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	579
K.Temirova	NUTQIY KOMPITENSIYANI PEDAGOGIK TEXNALOGIYALAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH METODIKASI	583
Д.Бойматова	УНДАЛМАЛИ ГАПЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ	586
I.Karimov	“MAHBUB UL-QULUB” DA KASB-HUNAR, NASL-NASAB, IJTIMOIY HOLAT TUSHUNCHASINI IFODALOVCHI LEKSIK BIRLIKLARNING QO‘LLANISHI	590
Sh.Ahmadjonova	INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA OT SO‘Z TURKUMI	593